

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт

2025 йил учун


- I. Жисмоний машғулотлар билан шуғулланган шахслар (уй хўжаликлари аъзолари)
- II. Спорт иншоотлари
- III. Жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбия билан шуғулланувчи шахслар
- IV. Спорт-таълим муассасаларининг асосий статистик кўрсаткичлари
- V. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Жисмоний машғулотлар билан шуғулланган шахслар (уй хўжаликлари аъзолари)

Жисмоний машғулотлар билан шуғулланган шахслар (уй хўжаликлари аъзолари) улуши уй хўжаликлари аъзоларининг умумий сонига жисмоний машғулотлар билан шуғулланган уй хўжаликлари аъзоларининг улушини тавсифлайди.

2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жисмоний машғулотлар билан шуғулланган шахслар (уй хўжаликлари аъзолари) улушининг ўсиши кузатилган. 2025 йилда мазкур кўрсаткич **70,3 %** ни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **2,5 ф.п.** га ошди.

Жисмоний машғулотлар билан шуғулланган шахслар (уй хўжаликлари аъзолари) улуши (тегишли йил учун)



Гендер кесимида 2025 йилда жисмоний машғулотлар билан шуғулланган эркаклар улуши **72,2 % ни**, аёллар улуши эса **68,4 % ни** ташкил этди. 2024 йилга нисбатан бу кўрсаткич аёллар орасида **4,7 ф.п. га**, эркаклар орасида эса **0,5 ф.п. га** ошди.


Худудий кесимда 2025 йилда жисмоний машғулотлар билан шуғулланган шахслар улуши шаҳар жойларда **70,2 % ни**, қишлоқ жойларда эса **70,4 % ни** ташкил этди. 2024 йилга нисбатан мазкур кўрсаткич шаҳар жойларда **1,9 ф.п. га**, қишлоқ жойларда эса **3,1 ф.п. га** ошди.

II. Спорт иншоотлари

Спорт иншооти – спорт тадбирлари, спорт турлари бўйича ўқув машғулотлари ва ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш учун мўлжалланган, белгиланган нормалар ва талабларга жавоб берадиган ёпиқ ёки очиқ турдаги ихтисослаштирилган иншоот.

2025 йилда Ўзбекистон Республикасида спорт иншоотлари сони **53,0 мингтани** ташкил этди ва 2024 йилга нисбатан **0,3 мингтага**, ёки **0,6 % га** камайди. Спорт иншоотларининг қуввати (ўтказиш имконияти) **бир кунда 2 198,1 минг кишини** ташкил этиб, **2,7 минг кишига**, ёки **0,1 % га** қисқарди.

Спорт иншоотлари сони ҳамда уларнинг қуввати (ўтказиш имконияти) (тегишли йил учун)



2025 йилда шаҳар жойлардаги спорт иншоотлари сони **24,5 мингтани** ташкил этди ва 2024 йилга нисбатан **0,1 мингтага** қисқарди, қишлоқ жойларда эса **28,5 мингтани** ташкил этиб, **0,2 мингтага** камайди.

2025 йилда шаҳар жойлардаги спорт иншоотларининг қуввати (ўтказиш имконияти) **бир кунда 1 111,9 минг кишини** ташкил этди ва 2024 йилга нисбатан **2,3 минг кишига** қисқарди, қишлоқ жойларда эса **бир кунда 1 086,2 минг кишини** ташкил этиб, **0,4 минг кишига** камайди.

Шундай қилиб, 2025 йилда 2024 йилга нисбатан спорт иншоотлари сони ҳам, уларнинг ўтказиш имконияти ҳам бир оз қисқаргани кузатилди. Бунда спорт иншоотлари сони бўйича қишлоқ жойлар устунлик қилишда давом этган бўлса, ўтказиш имконияти бўйича юқорироқ кўрсаткич шаҳар жойларда сақланиб қолган.

**Спорт иншоотлари сони ҳамда уларнинг қуввати (ўтказиш имконияти)нинг
ҳудудлар кесимида тақсимланиши**
(2025 йил учун)

	Спорт иншоотлари сони (минг бирлик)			Спорт иншоотларининг қуввати (ўтказиш имконияти) (бир кунда минг киши)		
	Жами	шаҳар жойларда	қишлоқ жойларда	Жами	шаҳар жойларда	қишлоқ жойларда
Ўзбекистон Республикаси	53,0	24,5	28,5	2 198,1	1 111,9	1 086,2
<i>ҳудудлар:</i>						
Қорақалпоғистон Респ.	3,7	1,9	1,8	152,2	80,5	71,7
Андижон вилояти	5,4	3,1	2,3	202,6	112,8	89,8
Бухоро вилояти	3,3	0,7	2,6	136,2	39,2	97,0
Жиззах вилояти	2,6	0,8	1,8	107,7	39,5	68,2
Қашқадарё вилояти	5,2	2,3	2,9	212,3	96,1	116,2
Навоий вилояти	1,8	0,9	0,9	80,1	45,8	34,3
Наманган вилояти	3,9	2,4	1,5	177,8	118,8	59,0
Самарқанд вилояти	5,9	2,1	3,8	238,3	96,4	141,9
Сурхондарё вилояти	3,9	1,1	2,8	147,0	49,1	97,9
Сирдарё вилояти	1,6	0,7	0,9	72,9	29,9	43,0
Тошкент вилояти	4,6	2,3	2,3	189,1	100,6	88,5
Фарғона вилояти	6,2	3,2	3,0	239,1	136,4	102,7
Хоразм вилояти	2,8	0,9	1,9	116,8	40,8	76,0
Тошкент шаҳри	2,1	2,1	-	126,0	126,0	-

2025 йилда спорт иншоотларининг энг кўп сони Фарғона (**6,2 минг**), Самарқанд (**5,9 минг**) ва Андижон (**5,4 минг**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (**1,6 минг**), Навоий (**1,8 минг**) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (**2,1 минг**) кузатилди.


2025 йилда спорт иншоотларининг қуввати (ўтказиш имконияти) бўйича Фарғона (**бир кунда 239,1 минг киши**), Самарқанд (**бир кунда 238,3 минг киши**) ва Қашқадарё (**бир кунда 212,3 минг киши**) вилоятлари етакчилик қилди. Энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (**бир кунда 72,9 минг киши**), Навоий (**бир кунда 80,1 минг киши**) ва Жиззах (**бир кунда 107,7 минг киши**) вилоятларида қайд этилди.

III. Жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбия билан шуғулланувчи шахслар

Жисмоний тарбия – маданиятнинг инсонни жисмоний тарбиялаш, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик орқали жисмоний ҳамда интеллектуал жиҳатдан камол топтириш, унинг қобилиятини ва ҳаракат фаоллигини такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, ижтимоий мослаштириш мақсадида жамият томонидан яратиладиган ҳамда фойдаланиладиган қадриятлар, нормалар ва билимлар йиғиндисидан иборат бўлган қисми.

2025 йилда Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбия билан шуғулланувчи шахслар сони **7 252,0 минг нафарни** ташкил этди ва 2024 йилга нисбатан **158,8 минг нафарга**, ёки **2,2 %** га ошди.

Жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбия билан шуғулланувчи шахслар сони (тегишли йил учун, минг киши)



Гендер кесимида жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбия билан шуғулланувчи аёллар сони **3 521,6 минг нафарни** ташкил этди ва **74,3 минг нафарга**, ёки **2,2 %** га ошди, эркаклар сони эса **3 730,4 минг нафарни** ташкил этди ва **84,5 минг нафарга**, ёки **2,3 %** га кўпайди. Худди ўтган йилдагидек, эркаклар сони аёллар сонидан кўп бўлди. Жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбия билан шуғулланувчи шахслар таркибида аёллар улуши **48,6 %** ни, эркаклар улуши эса **51,4 %** ни ташкил этди.

Худудий кесимда 2025 йилда шаҳар жойларда жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар сони **3 210,0 минг нафарни** ташкил этди ва 2024 йилга нисбатан **101,2 минг нафарга**, ёки **3,3 %** га ошди. Қишлоқ жойларда мазкур кўрсаткич **4 042,0 минг нафарни** ташкил этиб, **57,6 минг нафарга**, ёки **1,4 %** га кўпайди.

**Жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбия билан шуғулланувчи
шахслар сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**
(2025 йил учун, минг киши)

	Жами	шундан:			
		аёллар	эркаклар	шаҳар жойларда	қишлоқ жойларда
Ўзбекистон Республикаси	7 252,0	3 521,6	3 730,4	3 210,0	4 042,0
<i>ҳудудлар:</i>					
Қорақалпоғистон Респ.	394,0	192,6	201,4	204,1	189,9
Андижон вилояти	655,2	311,8	343,4	246,6	408,6
Бухоро вилояти	355,0	176,1	178,9	76,3	278,7
Жиззах вилояти	302,5	133,1	169,4	92,4	210,1
Қашқадарё вилояти	699,1	340,8	358,3	202,8	496,3
Навоий вилояти	203,8	99,9	103,9	121,7	82,1
Наманган вилояти	593,6	286,2	307,4	366,1	227,5
Самарқанд вилояти	981,4	492,1	489,3	375,4	606,0
Сурхондарё вилояти	568,2	278,1	290,1	144,5	423,7
Сирдарё вилояти	169,7	81,6	88,1	55,2	114,5
Тошкент вилояти	560,7	261,4	299,3	273,0	287,7
Фарғона вилояти	840,3	421,4	418,9	423,8	416,5
Хоразм вилояти	378,5	186,1	192,4	78,1	300,4
Тошкент шаҳри	550,0	260,4	289,6	550,0	-

2025 йилда жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбия билан шуғулланувчи шахсларнинг энг юқори сони Самарқанд (**981,4 минг**), Фарғона (**840,3 минг**) ва Қашқадарё (**699,1 минг**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (**169,7 минг**), Навоий (**203,8 минг**) ва Жиззах (**302,5 минг**) вилоятларида кузатилди.

Гендер кесимида ҳудудларнинг аксариятида жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбия билан шуғулланувчи шахслар орасида эркаклар улуши аёллар улушидан юқори бўлди. Аёлларнинг энг юқори улуши Самарқанд ва Фарғона вилоятларида (**ҳар бирида 50,1 %**), шунингдек, Бухоро вилоятида (**49,6 %**) кузатилди. Шу билан бирга, эркакларнинг энг юқори улуши Жиззах (**56,0 %**) ва Тошкент (**53,4 %**) вилоятларида, шунингдек, Тошкент шаҳрида (**52,7 %**) қайд этилди.

Шаҳар жойларда жисмоний тарбия билан шуғулланувчиларнинг энг юқори сони Тошкент шаҳри (**550,0 минг**), Фарғона (**423,8 минг**) ва Самарқанд (**375,4 минг**) вилоятларида қайд этилди, энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (**55,2 минг**), Бухоро (**76,3 минг**) ва Хоразм (**78,1 минг**) вилоятларида кузатилди. Қишлоқ жойларда эса энг юқори кўрсаткичлар Самарқанд (**606,0 минг**), Қашқадарё (**496,3 минг**) ва Сурхондарё (**423,7 минг**) вилоятларида қайд этилди. Ҳудудлар орасида энг паст кўрсаткичлар Навоий (**82,1 минг**), Сирдарё (**114,5 минг**) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (**189,9 минг**) кузатилди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбия билан шуғулланувчи шахслар сони \(жами\)](#)

[Жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбия билан шуғулланувчи шахслар сони \(аёллар\)](#)


[Жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбия билан шуғулланувчи шахслар сони \(эркаклар\)](#)

IV. Спорт-таълим муассасаларининг асосий статистик кўрсаткичлари

Спорт – одамларнинг муайян қоидалар бўйича ташкил этилган, уларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятини таққослашдан иборат бўлган ҳаваскорлик асосидаги ва (ёки) профессионал асосдаги фаолияти, шунингдек, ушбу фаолиятга тайёргарлик кўриш ҳамда бу фаолият жараёнида одамлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар.

2025 йилда Ўзбекистон Республикасида спорт-таълим муассасалари сони **404 тани** ташкил этди ва 2024 йилга нисбатан **1 тага**, ёки **0,2 % га** ошди. Спорт-таълим муассасаларидаги гуруҳ (секция)лар сони эса **39,5 мингтани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **0,4 мингтага**, ёки **1,0 % га** кўпайди.

Спорт-таълим муассасалари ҳамда улардаги гуруҳ (секция)лар сони (тегишли йил учун)



2025 йилда шаҳар жойларда спорт-таълим муассасалари сони **353 тани** ташкил этди ва 2024 йилга нисбатан **2 тага** ошди, қишлоқ жойларда эса уларнинг сони **51 тани** ташкил этиб, **1 тага** камайди.

2025 йилда шаҳар жойларда спорт-таълим муассасаларидаги гуруҳ (секция)лар сони **33,4 мингтани** ташкил этди ва 2024 йилга нисбатан **0,5 мингтага** ошди, қишлоқ жойларда эса мазкур кўрсаткич **6,1 мингтани** ташкил этиб, **0,1 мингтага** қисқарди.

Шундай қилиб, 2025 йилда 2024 йилга нисбатан спорт-таълим муассасалари сони ҳам, улардаги гуруҳ (секция)лар сони ҳам бир оз ошгани кузатилди. Шу билан бирга, ҳар икки тоифада ҳам шаҳар жойлар кўрсаткичлари устунлик қилди.

**Спорт-таълим муассасалари ҳамда улардаги гуруҳ (секция)лар
сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**
(2025 йил учун)


	Спорт-таълим муассасалари сони (бирлик)			Спорт-таълим муассасаларидаги гуруҳ (секция)лар сони (минг бирлик)		
	Жами	шаҳар жойларда	қишлоқ жойларда	Жами	шаҳар жойларда	қишлоқ жойларда
Ўзбекистон Республикаси	404	353	51	39,5	33,4	6,1
<i>ҳудудлар:</i>						
Қорақалпоғистон Респ.	29	28	1	3,4	3,3	0,1
Андижон вилояти	29	26	3	2,9	2,6	0,3
Бухоро вилояти	31	21	10	4,2	2,3	1,9
Жиззах вилояти	22	21	1	1,6	1,5	0,1
Қашқадарё вилояти	31	29	2	2,6	2,3	0,3
Навоий вилояти	24	22	2	2,0	1,8	0,2
Наманган вилояти	26	24	2	3,0	2,9	0,1
Самарқанд вилояти	31	26	5	4,1	3,5	0,6
Сурхондарё вилояти	24	20	4	3,1	2,6	0,5
Сирдарё вилояти	21	21	-	1,6	1,6	-
Тошкент вилояти	34	24	10	3,1	2,2	0,9
Фарғона вилояти	34	30	4	3,5	3,0	0,5
Хоразм вилояти	27	20	7	2,0	1,4	0,6
Тошкент шаҳри	41	41	-	2,4	2,4	-

2025 йилда спорт-таълим муассасаларининг энг кўп сони Тошкент шаҳри (**41 та**) ҳамда Тошкент ва Фарғона вилоятларида (**ҳар бирида 34 тадан**) қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (**21 та**), Жиззах (**22 та**), шунингдек, Навоий ва Сурхондарё (**ҳар бирида 24 тадан**) вилоятларида кузатилди. Шаҳар жойларда спорт-таълим муассасаларининг энг кўп сони Тошкент шаҳри (**41 та**), Фарғона (**30 та**) ва Қашқадарё (**29 та**) вилоятларида қайд этилди, энг паст кўрсаткичлар эса Сурхондарё ва Хоразм (**ҳар бирида 20 тадан**), шунингдек, Бухоро, Жиззах ва Сирдарё (**ҳар бирида 21 тадан**) вилоятларида кузатилди. Қишлоқ жойларда энг юқори кўрсаткичлар Бухоро, Тошкент (**ҳар бирида 10 тадан**) ҳамда Хоразм (**7 та**) вилоятларида қайд этилди, энг паст кўрсаткичлар эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида (**ҳар бирида 1 тадан**) кузатилди.

2025 йилда спорт-таълим муассасаларидаги гуруҳ (секция)лар сони бўйича Бухоро (**4,2 мингта**), Самарқанд (**4,1 мингта**) ва Фарғона (**3,5 мингта**) вилоятлари етакчилик қилди. Энг паст кўрсаткичлар Жиззах, Сирдарё (**ҳар бирида 1,6 мингтадан**), шунингдек, Навоий ва Хоразм (**ҳар бирида 2,0 мингтадан**) вилоятларида қайд этилди. Шаҳар жойларда гуруҳ (секция)лар сонининг энг юқори кўрсаткичлари Самарқанд вилояти (**3,5 мингта**), Қорақалпоғистон Республикаси (**3,3 мингта**) ва Фарғона вилоятида (**3,0 мингта**) кузатилди, энг паст кўрсаткичлар эса Хоразм (**1,4 мингта**), Жиззах (**1,5 мингта**) ва Сирдарё (**1,6 мингта**) вилоятларида қайд этилди.

Қишлоқ жойларда энг юқори кўрсаткичлар Бухоро (**1,9 мингта**), Тошкент (**0,9 мингта**), шунингдек, Самарқанд ва Хоразм (**ҳар бирида 0,6 мингтадан**) вилоятларида қайд этилди, энг паст кўрсаткичлар эса Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Наманган вилоятларида (**ҳар бирида 0,1 мингтадан**) кузатилди.

**Спорт-таълим муассасаларининг гуруҳ (секция)ларида
шуғулланувчи шахслар сони**
(тегишли йил учун, минг киши)



2025 йилда Ўзбекистонда спорт-таълим муассасаларининг гуруҳ (секция)ларида шуғулланувчи шахслар сони **486,5 минг нафарни** ташкил этди ва 2024 йилга нисбатан **41,1 минг нафарга**, ёки **7,8 % га** қисқарди.

Гендер кесимида спорт-таълим муассасаларининг гуруҳ (секция)ларида шуғулланувчи аёллар сони **125,2 минг нафарни** ташкил этиб, **9,3 минг нафарга**, ёки **6,9 % га** камайди, эркаклар сони эса **361,3 минг нафарни** ташкил этиб, **31,8 минг нафарга**, ёки **8,1 % га** қисқарди. 2025 йилда аёллар улуши **25,7 % ни**, эркаклар улуши эса **74,3 % ни** ташкил этди. Худди ўтган йилдагидек, спорт-таълим муассасаларининг гуруҳ (секция)ларида шуғулланувчи шахслар орасида эркаклар устунлик қилди.

Худудий кесимда 2025 йилда шаҳар жойларда спорт-таълим муассасаларининг гуруҳ (секция)ларида шуғулланувчи шахслар сони **405,9 минг нафарни** ташкил этди ва 2024 йилга нисбатан **34,5 минг нафарга**, ёки **7,8 % га** камайди. Қишлоқ жойларда мазкур кўрсаткич **80,6 минг нафарни** ташкил этиб, **6,6 минг нафарга**, ёки **7,6 % га** қисқарди. Шу билан бирга, ўтган йилдагидек, шаҳар жойларда шуғулланувчилар сони қишлоқ жойлардагига нисбатан анча юқори бўлиб қолди.

Спорт-таълим муассасаларининг гуруҳ (секция)ларида шуғулланувчи шахслар сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2025 йил учун, минг киши)

	Жами	шундан:			
		аёллар	эркаклар	шаҳар жойларда	қишлоқ жойларда
Ўзбекистон Республикаси	486,5	125,2	361,3	405,9	80,6
<i>ҳудудлар:</i>					
Қорақалпоғистон Респ.	42,8	13,4	29,4	41,9	0,9
Андижон вилояти	33,5	7,5	26,0	29,9	3,6
Бухоро вилояти	49,2	13,7	35,5	24,9	24,3
Жиззах вилояти	20,5	6,1	14,4	19,2	1,3
Қашқадарё вилояти	33,5	6,9	26,6	29,6	3,9
Навоий вилояти	23,3	6,2	17,1	20,6	2,7
Наманган вилояти	34,3	8,4	25,9	32,7	1,6
Самарқанд вилояти	54,8	12,5	42,3	45,2	9,6
Сурхондарё вилояти	33,4	7,8	25,6	28,1	5,3
Сирдарё вилояти	23,8	7,8	16,0	23,8	-
Тошкент вилояти	42,2	10,3	31,9	30,1	12,1
Фарғона вилояти	46,7	11,3	35,4	38,9	7,8
Хоразм вилояти	23,7	6,8	16,9	16,2	7,5
Тошкент шаҳри	24,8	6,5	18,3	24,8	-

2025 йилда спорт-таълим муассасаларининг гуруҳ (секция)ларида шуғулланувчи шахсларнинг энг юқори сони Самарқанд (**54,8 минг**), Бухоро (**49,2 минг**) ва Фарғона (**46,7 минг**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар эса Жиззах (**20,5 минг**), Навоий (**23,3 минг**) ва Хоразм (**23,7 минг**) вилоятларида кузатилди.

Гендер кесимида барча ҳудудларда спорт-таълим муассасаларининг гуруҳ (секция)ларида шуғулланувчи шахслар орасида эркаклар улуши аёллар улушидан юқори бўлди. Аёлларнинг энг юқори улуши Сирдарё вилояти (**32,8 %**), Қорақалпоғистон Республикаси (**31,3 %**) ва Жиззах вилоятида (**29,8 %**) кузатилди. Шу билан бирга, эркакларнинг энг юқори улуши Қашқадарё (**79,4 %**), Андижон (**77,6 %**) ва Самарқанд (**77,2 %**) вилоятларида қайд этилди.

Шаҳар жойларда спорт-таълим муассасаларининг гуруҳ (секция)ларида шуғулланувчиларнинг энг юқори сони Самарқанд вилояти (**45,2 минг**), Қорақалпоғистон Республикаси (**41,9 минг**) ва Фарғона вилоятида (**38,9 минг**) қайд этилди, энг паст кўрсаткичлар эса Хоразм (**16,2 минг**), Жиззах (**19,2 минг**) ва Навоий (**20,6 минг**) вилоятларида кузатилди. Қишлоқ жойларда эса энг юқори кўрсаткичлар Бухоро (**24,3 минг**), Тошкент (**12,1 минг**) ва Самарқанд (**9,6 минг**) вилоятларида қайд этилди, энг паст кўрсаткичлар эса Қорақалпоғистон Республикаси (**0,9 минг**), Жиззах (**1,3 минг**) ва Наманган (**1,6 минг**) вилоятларида кузатилди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Спорт-таълим муассасаларининг гуруҳ \(секция\)ларида шуғулланувчи шахслар сони \(жами\)](#)

[Спорт-таълим муассасаларининг гуруҳ \(секция\)ларида шуғулланувчи аёллар сони](#)

[Спорт-таълим муассасаларининг гуруҳ \(секция\)ларида шуғулланувчи эркаклар сони](#)
[Олимпия спорт турлари билан шуғулланувчи шахслар орасида аёллар улуши](#)
[Олимпия спорт турлари билан шуғулланувчи шахслар орасида эркаклар улуши](#)
[Миллий спорт турлари билан шуғулланувчи шахслар орасида аёллар улуши](#)
[Миллий спорт турлари билан шуғулланувчи шахслар орасида эркаклар улуши](#)
[Бошқа спорт турлари билан шуғулланувчи шахслар орасида аёллар улуши](#)
[Бошқа спорт турлари билан шуғулланувчи шахслар орасида эркаклар улуши](#)

V. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт статистикаси мазкур соҳанинг ривожланишини тавсифловчи асосий кўрсаткичларни, жумладан, спорт иншоотлари сони ва уларнинг қувватини, шунингдек, мунтазам равишда спорт билан шуғулланувчи шахслар сонини қамраб олади.

Жисмоний машғулотлар билан шуғулланган шахслар (уй хўжаликлари аъзолари) бўйича статистик маълумотлар уй хўжаликлари танланма кузатуви маълумотлари асосида шакллантирилади. Мазкур кўрсаткич жисмоний машғулотлар билан шуғулланган уй хўжаликлари аъзоларининг улушини кузатув билан қамраб олинган уй хўжаликлари аъзолари умумий сонига нисбатан ифодалайди ҳамда республика бўйича жами, шунингдек, жинс, яшаш жойи тури ва ҳудудлар кесимида ҳисоблаб чиқилади.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги томонидан тақдим этиладиган маъмурий маълумотлар асосида шакллантирилади. Бунинг учун **1-jismoniy tarbiya** “Жисмоний тарбия ва спорт бўйича идоровий ҳисобот”, **1-sport** “Спорт-таълим муассасалари бўйича идоровий ҳисобот” йиллик шакллари, шунингдек, бошқа маъмурий маълумотлардан фойдаланилади.

Маъмурий маълумотлар жисмоний тарбия ва спорт объектлари сони тўғрисидаги маълумотларни турлари бўйича, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи шахслар сонини, спорт-таълим муассасалари сонини, улардаги ўқувчилар ва мураббийлар таркиби сонини, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт тизимини тавсифловчи бошқа кўрсаткичларни ўз ичига олади. Статистик маълумотлар республика бўйича жами ва ҳудудлар кесимида тақдим этилади.

Жамланган маълумотлар жисмоний тарбия ва спорт ривожланишини мониторинг қилиш, таҳлилий материаллар тайёрлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фойдаланилади.

Фойдали ҳаволалар:

[Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни \(24.03.2026 йилдаги ЎРҚ-1123-сон\)](#)

[Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони \(24.01.2020 йилдаги ПФ-5924-сон\)](#)

[Жисмоний тарбия ва спорт статистикаси бўйича услубий низом](#)

Тайёрлаш учун масъул:
Ижтимоий соҳа ва барқарор
ривожланиш статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Эл. манзил: info@stat.uz
Тел.: (71) 203-80-00 (ички рақам: 1301)

